

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ЯККА ПРОФИЛАКТИКАСИ
ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ШАКЛЛАРИ ҲАМДА СУБЪЕКТЛАРИНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИ**

Э.Э.Исаев

©Ўзбекистон Республикаси Қриминология тадқиқоти институти мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18378497>

Аннотация. Мазкур диссертацион тадқиқотда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва якка профилактикаси тушунчаси, шакллари ҳамда субъектларининг институционал тизими жамоат хавфсизлиги парадигмаси нуқтаи назаридан ҳар томонлама ўрганилади. Илмий ишда, аввало, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонун ҳамда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактика турларининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади, миллий қриминология мактаби ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар (Б.А. Умирзақов, Н.Т. Исмоилов, С.Б. Хўжақулов, А.А. Бакаев, F.E. Zimring, B.C. Feld, I. Waller ва бошқалар)нинг илмий-назарий қараишлари қиёсий тарзда тадқиқ этилади. Тадқиқотда Россия, Германия, Англия ва Уэльс, АҚШ, Франция ва Испания қонунчилиги мисолида вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий ва якка профилактикасига оид ҳуқуқий моделлар, шу жумладан “primary/secondary/tertiary prevention” ҳамда “public health model” каби замонавий ёндашувлар таҳлил қилиниб, уларнинг миллий тизимни модернизация қилишидаги қиёсий-ҳуқуқий аҳамияти асослаб берилади.

Асар доирасида Ўзбекистон қонунчилигидаги қатор ҳуқуқий бўшлиқ ва муаммолар — умумий ва якка профилактика шакллариининг бир моддада тизимлаштирилмаганлиги, профилактика субъектлари ваколатларининг парчаланганлиги, рақамли муҳитда профилактика механизмларининг етарли даражада ҳуқуқий мустаҳкамланмаганлиги кўрсатилади. Шунингдек, “умумий профилактика шакллари”, “якка профилактика шакллари”, профилактика субъектларини тоифалаиш, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва Болалар омбудсмани мақомини алоҳида моддаларда белгилаиш, якка профилактикада идоралараро “кейс-конференция” (кейс-менежмент) механизмларини қонун даражасида жорий этииш юзасидан аниқ норматик таклифлар ишлаб чиқилади.

Тадқиқот натижалари вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси тизимини “ягона, кўп даражали ва кўп субъектли” ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида такомиллаштиришига қаратилган илмий ва амалий асосланган таклиф ва тавсияларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, умумий профилактика, якка профилактика, виктимологик профилактика, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими, профилактика субъектлари институционал модели, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, кейс-менежмент, Болалар омбудсмани, primary/secondary/tertiary prevention, public health model, халқаро стандартлар ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.

Янги Ўзбекистон шароитида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлиб, ушбу жараён ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фаолият юритувчи барча давлат органлари зиммасига кенг қамровли масъулият ва мажбуриятларни юкламоқда. Хусусан, 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонун¹ мазкур соҳадаги базавий меъёрий-ҳуқуқий манба сифатида, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни қонунчиликда алоҳида тарзда қайд этилган асосий мақсад ва вазифа сифатида белгилайди.

Мазкур қонун ҳужжатлари вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикасини ягона ҳуқуқий институт тарзида шакллантирилган. Хусусан, *умумий профилактика* – ўсмирлар ҳаёти кечаётган оила, таълим муассасаси, маҳалла, оммавий ахборот макони каби ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган кенг қамровли, макродаражадаги чора-тадбирлар мажмуасидир. Шунингдек, *якка профилактика эса* – аниқ вояга етмаган шахснинг хулқ-атвори, унинг ижтимоий-маиший шароити, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ва “хавфли” ижтимоий ҳолатини эътиборга олган ҳолда индивидуал таъсир кўрсатиш усуллари тизими сифатида намоён бўлади. Дарҳақиқат, бугунги кунда “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда *умумий, махсус, якка ва виктимологик* профилактиканинг бир бутун тизим сифатида белгиланиши жумладан, 23 ва 29-моддаларда *умумий* ҳамда *якка* профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти очиқ берилиши, ушбу институтни вояга етмаганлар билан ишлаш соҳасида ҳам тизимли ва комплекс ёндашувни талаб этади². Бунда ички ишлар органлари, таълим муассасалари, маҳалла ва фуқаролар йиғинлари, Ёшлар ишлари агентлиги, болалар масалалари бўйича комиссиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг ўзаро боғланган субъектлари тизимини ташкил этади, уларнинг вазифаси эса ўсмирлар учун ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий жиҳатдан хавфсиз муҳитни таъминлашдан иборатдир³.

Дунё криминологияси ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назариясида ҳам “*умумий*” ва “*якка*” профилактика тушунчалари жинойатчиликка хусусан, вояга етмаганлар жинойатчилигига қарши курашишнинг асосий категориялари сифатида изчил қўлланиб келинмоқда. Классик ва замонавий тадқиқотларда профилактика, аввало, жинойат содир этилгандан кейинги жазо қўллаш эмас, балки ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш, уларга чек қўйиш шунингдек, уларни бартараф этишга қаратилган мақсадли фаолият сифатида талқин этилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрь “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни // lex.uz.

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 20. – 17-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуниен 8-моддаси; Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.

Шу ўринда, 1990 йилда қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга оид БМТнинг Эр-Рияд йўриқномаларида (*Riyadh Guidelines*) ўсмирлар жиноятчилиги профилактикаси жамият ривожланишининг ажралмас қисми сифатида талқин этилиб, болалар манфаатларини устувор қўйган ҳолда оила, мактаб, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва давлат органларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш зарурлиги, профилактика фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки кенг жамоатчилик ва фуқаролик жамиятининг биргаликдаги масъулияти экани алоҳида таъкидланган ⁴ . Шу боис, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва якка профилактикасининг тушунчаси, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳамда субъектлар тизимини ҳар томонлама тадқиқ этиш, маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг мазкур масалага оид илмий-назарий қарашларини таққослама таҳлил қилиш, шунингдек, миллий қонунчиликда мавжуд нормаларни халқаро меъёр ва стандартлар билан уйғунлаштириш ушбу параграф доирасидаги изланишларнинг асосий методологик пойдеворини ташкил этади. Бунда, хусусан, “*умумий профилактика*” ва “*якка профилактика*” категорияларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш, уларнинг ўзаро нисбати ва фарқланиш мезонларини аниқлаш, профилактика субъектларининг ваколатлари ҳамда ўзаро ҳамкорлик механизмларини тизимли ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, табиий равишда қуйидаги ўринли савол туғилади: *бугунги кунда маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси масалаларига оид илмий-назарий ёндашувлари қандай мазмунда намоён бўлмоқда?* Олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, турли ҳуқуқий мактаб ва илмий анъаналар доирасида профилактиканинг мақсад ва вазибалари, унинг турлари, шакллари ҳамда субъектлари бўйича бир қатор умумий ва баҳсли нуқтайи назарлар шаклланган бўлиб, ушбу қарашларнинг мазмунини таҳлил қилиш, улардаги илғор ғоя ва концепцияларни миллий қонунчиликни такомиллаштириш жараёнига интеграция қилиш мазкур тадқиқотнинг кейинги қисмларида босқичма-босқич очиб берилади.

Олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси масаласи миллий криминология мактабида бир қатор тадқиқотчилар томонидан турли кесимларда (*детерминация, умумий профилактика, индивидуал профилактика, виктимология, жиноят-ижроия босқичи*) атрофлича ўрганилган бўлса-да, ушбу институтни тўлиқ “*ягона тизим*” сифатида, унинг барча субъектлари, шакллари ва даражаларини жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолда комплекс равишда тадқиқ этишга қаратилган ишлар ҳануз етарли эмас.

Жумладан, Б.А. Умирзақовнинг “*Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш*” мавзусидаги диссертациясида вояга етмаганлар жиноятчилигини детерминация қилувчи омиллар тизими, унинг тузилиши ва динамикаси эмпирик маълумотлар асосида қайта тикланади ҳамда профилактик таъсирнинг умумий, махсус ва якка даражаларини ўзаро боғлиқ, уйғун

⁴ United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (The Riyadh Guidelines), GA res. 45/112, 14.12.1990, I-бўлим, 1–6-бандлар.

жараён сифатида ташкил этиш зарурати илмий асосланади⁵. Муаллиф профилактик тадбирларнинг ҳар бир даражаси алоҳида эмас, балки *“бир-бирини тўлдирувчи ва компенсацияловчи богинлар”*дан иборат эканини таъкидлаб, профилактиканинг ҳуқуқий, ташкилий ва психологик воситаларини умумий концептуал моделда ифодалайди. Бу ҳулосалар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини *“ягона тизим”* сифатида кўриш ва профилактиканинг турлари ўртасидаги функционал боғлиқликни аниқлаш учун муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Жиноят-ижроия босқичидаги профилактика йўналишини *А.А. Сайдуллоев* ва *С.С. Култураеванинг* ишлари алоҳида тўлдириб беради. *А.А. Сайдуллоев «Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш: Тожикистон ва Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётининг қиёсий таҳлили»* мавзусидаги диссертациясида жазони ижро этиш муассасаларида тарбиявий-реабилитацион механизмлар, ҳуқуқий кафолатлар ва ресоциализация чораларини қиёсий таҳлил қилади ҳамда уларни вояга етмаганларга нисбатан *“иккиламчи профилактика”*нинг институционал таркибий қисми сифатида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади⁶. *С.С. Култураева* эса *“Вояга етмаганларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишни такомиллаштириш”* мавзусидаги диссертациясида тарбия колонияларида индивидуал тарбия, психологик ёрдам дастурларини кучайтириш, постпенитенциар назорат ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш орқали қайта жиноят чорак хавфини камайитириш йўллари илмий жиҳатдан асослайди⁷. Бу ёндашувлар жазони ижро этиш босқичини фақат жазо эмас, балки вояга етмаганларнинг жамиятга қайтиши учун муҳим профилактик ресурс сифатида кўради.

Профилактиканинг умумий-назарий моделини шакллантиришда *И.Исмоилов*, *Қ.Р.Абдурасулова*, *И.Ю. Фазилов* томонидан тайёрлаган *“Криминология. Умумий қисм”* дарслиги алоҳида аҳамият касб этади⁸. Унда профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган, умумий, махсус, якка ҳамда виктимологик профилактикадан иборат комплекс ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида талқин этилади. Муаллифлар умумий профилактикани макродаражада – жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсат, таълим, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тизимли чоралар; якка профилактикани эса алоҳида шахсга манзилли таъсир кўрсатувчи педагогик, психологик ва ҳуқуқий технологиялар мажмуи сифатида ажратиб, уларнинг ўзаро уйғунлигини концептуал асослайдилар.

Н.Т. Исмоиловнинг “Вояга етмаганлар жиноятларининг индивидуал олдини олиш муаммолари” мавзусидаги диссертациясида якка профилактика мустақил назарий

⁵ *Умирзақов Б.А.* Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш: автореф. дис. ... фалсафа докт. (юр. фанлар). – Тошкент, 2021. – 57 б.

⁶ *Сайдуллоев А.А.* Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш: Тожикистон ва Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётининг қиёсий таҳлили: автореф. дис. ... фалсафа докт. (юр. фанлар). – Тошкент, 2023 й. // <https://oak.uz/pages/17360>

⁷ *Култураева С.С.* Вояга етмаганларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишни такомиллаштириш: дис. ... фалсафа докт. (юр. фанлар). – Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 2025 й. // <https://uza.uz>

⁸ *Исмоилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю.* ва бошқ. Криминология. Умумий қисм: дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.

категория сифатида чуқур тадқиқ этилади⁹. Муаллиф индивидуал профилактик ишни муайян вояга етмаган шахснинг хулқ-атвор траекториясини тузатишга қаратилган педагогик, психологик ва ҳуқуқий технологиялар тизими сифатида таърифлайди; унда якка профилактиканинг мақсад ва вазифалари, субъектлар доираси (*ички ишлар органлари профилактика инспекторлари, таълим муассасалари педагоглари, психологлар, маҳалла фаоллари, болалар масалалари комиссиялари ва бошқалар*), шунингдек таъсир шакллари ва усуллари илмий асосда аниқлаштирилади. Бу ишда, шунингдек, профилактика субъектларининг маълумотлар алмашиш, ягона реестрлар ва мониторинг тизимлари асосида ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг виктимологик ўлчами И.Ф. Зоирова томонидан *“Вояга етмаганлар виктимологияси: назарий ва амалий муаммолар”* мавзусидаги тадқиқотда ёритилган¹⁰. Унда вояга етмаганлар *“ўзига нисбатан жиноят содир этилиши хавфи юқори бўлган ижтимоий гуруҳ”* сифатида тавсифланиб, уларнинг виктимологик хусусиятлари (*оилавий муҳит, тарбиядаги камчиликлар, психологик заифлик, онлайн-муҳит таъсири ва ҳ.к.*) таҳлил этилади. Муаллиф профилактиканинг виктимологик йўналишини – вояга етмаганларнинг ўзини ҳимоя қилиш қобилиятини ошириш, хавфли муҳит ва алоқалардан ҳимоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизими сифатида асослаб, умумий ва якка профилактика билан узвий боғлиқ ҳолда кўради. Бу позиция умумий криминология ва виктимология дарсликларида ҳам ҳуқуқшунос олимлар М.Х. Рустамбаев, С.С. Ниёзова ва бошқалар томонидан қўллаб-қувватланади¹¹, яъни виктимологик профилактика умумий профилактиканинг ажралмас таркибий қисми сифатида талқин қилинади.

Айнан шу ерда Ф.М. Мухитдиновнинг виктимология ва жиноят-процессуал ҳуқуқ бўйича ишлари умумий ва якка профилактика назариясини чуқурлаштириб беради. Унинг *“Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл”* монографиясида жиноят-процессуал шакл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий пойдевори сифатида талқин этилиб, айбланувчи, жабрланувчи ва бошқа иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатланган ҳимояси айтилган пайтнинг ўзида профилактик функцияни ҳам бажариши илгари сурилади¹². Муаллиф процессуал шаклнинг аниқ, барқарор ва қонуний тартибга солиниши ишончли суд-ҳимоя механизми орқали фуқаролар онгида қонунга ҳурмат, жазо муқаррарлиги ва адолатга ишончни шакллантиришини, бу эса умумий профилактиканинг муҳим элементи эканини асослайди¹³.

Ф.М. Мухитдиновнинг *“Жабрланувчи ҳақидаги таълимот асослари”* ўқув-услубий қўлланмаси эса жабрланувчи шахснинг ҳуқуқий мақоми, унинг процесстаги ролини системали ёритиш билан бирга, виктим хулқ-атвор тушунчаси ва унинг профилактикадаги

⁹ **Исмоилов Н.Т.** Вояга етмаганлар жиноятларининг индивидуал олдини олиш муаммолари: дис. ... юрид. фан. номз. – Тошкент, 2006.

¹⁰ **Зоирова И.Ф.** Вояга етмаганлар виктимологияси: назарий ва амалий муаммолар: магистрлик диссертацияси. – Тошкент, 2022. 45-46 бетлар.

¹¹ **Rustambayev M.X., Niyozova S.S.** Viktimologiya Umumiy qism. Darslik// Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2021. – 239 b.

¹² **Мухитдинов Ф.М.** Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл: монография. – Т.: Адолат, 2002. – 320 б.

¹³ **Мухитдинов Ф.М.** Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар: дис. ... юрид. фан. докт. – Тошкент, 2005.

ўрнига алоҳида эътибор қаратади¹⁴. У жабрланувчининг фақат “қонун ҳимояси объекти” эмас, балки муайян ижтимоий-психологик хусусиятларга эга фаол субъект эканини кўрсатади; жабрланувчининг девиант ёки виктим хулқ-атвори айрим ҳолларда жиноят ҳолатини вужудга келтирувчи шарт-шароитлардан бирига айланиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу боис, муаллиф виктимологик профилактикани – жабрланувчи ва потенциал жабрланувчиларнинг хулқ-атворини тўғри йўналтириш, уларни ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан ҳимоя қилиш, “таваккалчи” хулқ-атвори кискартиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими сифатида талқин этади.

Муаллифнинг “Виктим хулқ-атворга эга жабрланувчиларнинг виктимологик профилактикаси” номли мақоласида виктим хулқ-атвор тушунчаси, унинг турлари ва ижтимоий-психологик омиллари тадқиқ этилиб, бундай шахслар билан индивидуал ишлаш – ахлоқий-маънавий тарбия, психокоррекция, ҳуқуқий маслаҳат, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари якка профилактиканинг муҳими сифатида асосланади¹⁵. У, хусусан, хавфли девиант муҳитга мойил, ўзини ҳимоя қилиш кўникмалари заиф, интернет ва субмаданият таъсирига тез берилувчи вояга етмаганлар гуруҳини юқори виктим хавф-гуруҳи сифатида кўрсатиб, улар билан индивидуал, кўп тармоқли профилактик иш юритиш зарурлигини таъкидлайди.

Сўнгги йилларда Ф.М. Мухитдиновнинг девиант ва жиноий хулқ-атвор назариясида “стигма” тушунчасига бағишланган мақоласи ҳам жамоат хавфсизлиги ва профилактика нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этмоқда. Муаллиф стигматизациянинг салбий таъсирини кўрсатиб, жиноят содир этган ёки “хавф гуруҳи”даги вояга етмаганларни жамиятдан четлатиш, уларга нисбатан «ярашмайдиган тамға» қўйиш қайта жиноятчилик хавфини ошириши, шунинг учун профилактика моделлари реабилитация ва ресоциализация тамойилларига таянишини, болаларга дўстона муносабат (child-friendly) сиёсатни талаб этишини илгари сурган¹⁶. Бу қарашлар, ўз навбатида, умумий профилактиканинг гуманистик, инсонпарвар мазмунини кучайтиради.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий асослар ва халқаро стандартлар билан уйғунлашув масаласи А. Набиевнинг ишларида алоҳида ўрин тутди. Муаллиф вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишни тўғридан-тўғри инсон ҳуқуқлари ва бола ҳимояси билан боғлиқ соҳалар қаторида кўриб, Ўзбекистон қонунчилигида “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси нормаларининг ўзаро уйғунлашувини таҳлил қилади¹⁷. Унинг фикрича, миллий қонунчиликда умумий ва якка профилактика тушунчалари етарлича

¹⁴ Мухитдинов Ф.М. Жабрланувчи ҳақидаги таълимот асослари: ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 208 б.

¹⁵ Мухитдинов Ф.М. Виктим хулқ-атворга эга жабрланувчиларнинг виктимологик профилактикаси // Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (31.03.2022) / Масъул муҳаррир Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – Б. 79–81.

¹⁶ Мухитдинов Ф.М. “Стигма” как важное понятие девиантного и преступного поведения в криминологии // Ҳуқуқий олам. – 2024. – №1.

¹⁷ Набиева А. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ва уларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари // Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ахборот портали. – 2020 й.

мустаҳкамланган бўлса-да, амалиётда уларни ажратиш мезонлари ва институционал механизмларда бир қатор ноаниқликлар мавжуд бўлиб, булар вояга етмаганлар билан ишлашда манзилли ёндашувнинг заифлашишига олиб келади.

“Криминология” дарслигининг умумий ва махсус қисмларида ёшлар ва вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий профилактикаси институционал модели ишлаб чиқилган бўлиб, унда профилактика субъектлари (*ички ишлар органлари, таълим муассасалари, маҳалла ва фуқаролар йиғинлари, болалар масалалари бўйича комиссиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқалар*) ўртасидаги ҳамкорлик “*давлат-жамоат механизми*” сифатида ёритилади¹⁸. Бунда профилактика фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси эмас, балки кенг жамоатчилик иштирокида амалга ошириладиган комплекс ижтимоий-ҳуқуқий фаолият экани қайд этилади.

С.Б. Хўжақуловнинг “Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида)” мавзусидаги диссертацияси ва шу номдаги монографиясида умумий профилактиканинг ҳуқуқий-ташкилий воситалари, профилактика субъектлари ўртасидаги функционал ҳамкорлик ва идоралараро ўзаро мувофиқлаштириш муаммолари атрафлича тадқиқ этилади¹⁹. Муаллиф ички ишлар органлари профилактика хизматининг вазифаларини қайта кўриб чиқиш, профилактика инспекторларининг ҳудудий жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини кучайтириш, профилактика фаолиятида рискларга асосланган ёндашувни жорий этиш каби таклифларни илгари суради. Бу, ўз навбатида, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий профилактикасини замонавий талаблар асосида самарали ташкил этиш учун мустаҳкам назарий-амалий платформа яратади.

Шу билан бирга, юртимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилавий низоларни барвақт ҳал этиш ҳамда вояга етмаганлар одил судлови тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган маҳаллий олимлар тадқиқотлари ушбу платформани янада бойитиб, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси назарий асосларини шакллантириш ва ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган. Жумладан, *З.Н. Эсанова, Ф. Мирўктамова* ҳамда *А.Х. Саидов* раҳбарлигида тайёрланган “Бола ҳуқуқлари мониторинги” номли қўлланма мазкур масалани турли ҳуқуқ соҳалари кесимида ўрганиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва профилактика тизимини комплекс ёритиб беради.

Хусусан, *З.Н. Эсанова* ўзининг “Бола тарбияси билан боғлиқ низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари” номли монографиясида болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал жиҳатларини чуқур таҳлил қилади. Муаллиф бола манфаатларини устувор қўйиш, суд томонидан қариндошлик, оилавий муҳит, юқори мансабдор органлар (*ҳомийлик ва васийлик органлари, таълим*

¹⁸ *Исмоилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. ва бошқ.* Криминология. Умумий қисм: дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. // *Криминология. Махсус қисм: дарслик* / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й.

¹⁹ *Хўжақулов С.Б.* Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 40 б.; шу муаллиф. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): автореф. дис. ... фалсафа докт. (юр. фанлар). – Т.: 2018 й. // library.ziyounet.uz

муассасалари ва ҳ.к.) билан ўзаро ҳамкорликда мураккаб баҳолаш ўтказиш зарурлигини таъкидлайди²⁰. Бундан ташқари у, бола қайси ота-онаси ёки қариндоши тарбиясида қолиши тўғрисидаги қарорни фақат формал ҳуқуқий далиллар эмас, балки боланинг психологик ҳолати, оилавий муҳит барқарорлиги, зўравонлик ёки безътиборлик хавфи каби омилларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш лозим. Бу ёндашув вояга етмаган шахснинг ҳимоясиз қолиши, оилавий зўравонлик ёки ижтимоий беқарорликка тушишига йўл қўймасликка, демак, унинг келажақда ҳуқуқбузарликка мойил бўлиб қолишини индивидуал профилактика нуқтаи назаридан барвақт чеклашга хизмат қилади. Шу маънода, *З.Н.Эсанова* томонидан ишлаб чиқилган процессуал таклифлар (*болалар иштирокидаги ишлар бўйича судьяларни ихтисослаштириш, боланинг фикрини эшитиш тартибини аниқ белгилаш, психолог-эксперт хулосаларини мажбурий тартибда қўллаш ва ҳ.к.*) вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг якка профилактикаси учун муҳим ҳуқуқий қафолат сифатида талқин этилиши мумкин.

Шунингдек, ривожланган давлатлар ҳуқуқшунос олимларининг мазкур йўналишдаги илмий-назарий қарашларини таҳлил қилиш ҳам диссертацион тадқиқот учун муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Айниқса, Россия криминология мактаби ва унга яқин илмий анъаналар доирасида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси масаласига бир вақтнинг ўзида криминологик, маъмурий-ҳуқуқий ҳамда педагогик ёндашувларни ўзаро уйғун ҳолда қўллаган ҳолда ёндашилгани кузатилади.

Бу эса ушбу муаммони фақат жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий чоралари эмас, балки тарбиявий, ижтимоий ва ташкилий омиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўп қиррали, мултидисциплинар феномен сифатида ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, *А.А.Бакаев*²¹, *А.А.Беженцев*²², *Н.И.Пишикина*²³, *Н.В.Валуйсков*²⁴, *А.И.Осинцев*²⁵, шунингдек, Беларусь ҳамда Европа тадқиқотчилари асарлари таҳлили умумий ва якка профилактика категориялари мазмун жиҳатдан етарлича ривожланган, бироқ уларнинг шакллари ва субъектлар тизими бўйича илмий мунозаралар ҳануз долзарблигича қолаётганини кўрсатади²⁶.

А.А.Бакаев ўзининг “Система профилактики правонарушений несовершеннолетних” номли ўқув қўлланмаси ва бошқа илмий ишларида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини давлат ва жамият сиёсатининг узвий таркибий қисми сифатида, яъни босқичли (*макро, мезо ва микро даражаларни қамраб олувчи*) ягона

²⁰ *Мирсагатов Қ.Х.* Ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари: юрид. фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Б. 7. <https://proacademy.uz/>

²¹ Бакаев А.А. *Система профилактики правонарушений несовершеннолетних*: учеб. пособие. – М.: Логос, г. 2004.

²² Беженцев А.А. *Система профилактики правонарушений несовершеннолетних*: учебное пособие. – М.: Флинта, г. 2012.

²³ Пишикина Н.И. *Правовые и методические вопросы профилактики правонарушений несовершеннолетних*: дис. ... канд. юрид. наук: г. 1998.

²⁴ Валуйсков Н.В. *Правовые проблемы предупреждения ювенальной преступности*: дис. ... канд. юрид. наук: – Ростов-на-Дону, г. 2003.

²⁵ Винниченко Е.О. *Профилактика правонарушений несовершеннолетних в Российской Федерации: административно-правовой аспект*: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: – Тюмень: ТюмГУ, г. 2014. – 26 с.

²⁶ Мартынова В.В., Погодина Е.К., Донченко Д.О. *Профилактика правонарушений учащихся: пособие для педагогов учреждений общего среднего образования с белорусским и русским языками обучения*. – г.Минск, г. 2019.

комплекс тизим тарзида тавсифлайди²⁷. Унингча, умумий профилактика – бутун жамият ва ҳудуд миқёсида криминоген омилларни камайтиришга қаратилган *сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий* чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини алоҳида гуруҳ сифатида эмас, балки умумий жиноятчилик феномени доирасида кўради. Якка профилактика эса аниқ вояга етмаган шахс ёки тор ижтимоий гуруҳ билан индивидуал ишлаш усуллари орқали амалга ошириладиган махсус-криминологик фаолият сифатида талқин этилади. Бунда педагогик коррекция, психологик ёрдам, оила билан манзилли ишлаш, пробация ва реабилитация механизмлари марказий ўринга чиқади.

А.А.Беженцев мазкур ёндашувни ривожлантириб, профилактика тизимини “кўп даражали, кўп субъектли ва кўп функцияли” таркибга эга ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида ифодалайди²⁸. У умумий профилактиканинг шакллари жиноятчиликка қарши давлат дастурлари, шаҳарсозлик ва инфратузилмани “*жиноятчиликдан ҳимоялаш*” (CP TED) концепциясига мувофиқ режалаштириш, ОАВ ва рақамли платформалар орқали ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёшлар сиёсатини такомиллаштириш билан боғлайди. Якка профилактикада эса хавф гуруҳидаги ўсмирларни эрта аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, индивидуал профилактика карталари, “*кейс-менежмент*” (бир бола атрофида бир нечта идоралар иштирокида комплекс иш олиб бориш) каби шаклларга алоҳида урғу беради. Муаллифнинг фикрича, умумий ва якка профилактика ўртасидаги чегаралар назарияда аниқ белгиланмаган ҳолда, амалиётда субъектлар ўртасида ваколатлар тақдорланиши, масъулиятнинг сусайиши ва статистик натижаларни формал қўлга киритиш каби муаммолар вужудга келади.

Н.И.Пишикина вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини ҳуқуқий ва методик жиҳатдан таҳлил қилиб, унинг назарий асосини, энг аввало, *норматив-ҳуқуқий муҳит* белгилашини таъкидлайди²⁹. Унинг таснифига кўра, умумий профилактика вояга етмаганлар манфаатларини таъминлашга қаратилган конституциявий, фуқаролик, оилавий, меҳнат, таълим қонунчилигида акс этган қоидалар, давлат дастурлари, ҳудудий комплекс режалар орқали амалга оширилса, якка профилактика ички ишлар органлари, судлар, прокуратура, ижтимоий хизматлар ва таълим муассасаларининг аниқ ўсмирга нисбатан қўллайдиган индивидуал ҳуқуқий, тарбиявий ва реабилитацион таъсир чораларидан ташкил топади. Муаллиф маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назардан профилактика субъектлари ўртасидаги ваколатлар тақсмоти ва уларнинг масъулиятини аниқ белгилаш зарурлигини илмий асослайди.

Н.В.Валуйсков ўзининг жиноятчиликнинг олдини олишга бағишланган тадқиқотида умумий профилактикани “*ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган макродаражадаги таъсир чоралари*” сифатида таърифлаб, якка профилактикани “*жиноят*

²⁷ Бакаев А.А. *Система профилактики правонарушений несовершеннолетних*: учеб. пособие. – М.: Логос, г. 2004. – 218 с.

²⁸ Беженцев А.А. *Система профилактики правонарушений несовершеннолетних*: учебное пособие. – М.: Флинта, 2012. – 295 с.

²⁹ Пишикина Н.И. *Правовые и методические вопросы профилактики правонарушений несовершеннолетних*: дис. ... канд. юрид. наук: г. 1998. – 253 с.

содир этиш хавфи юқори бўлган ёки девиант хулқ-атвор белгиларини намоён этган ўсмирлар билан индивидуал ишлаш тизими” сифатида ажратади³⁰. У умумий профилактика доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, илм-маърифат ва маданиятни ривожлантириш каби умумдават вазифаларини жиноятчиликка қарши кураш билан органик боғлайди. Якка профилактикада эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда, мактаб, оила, психологик хизматлар, нодавлат ташкилотлар ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг ўрнини кучайтириш лозимлигини асослаб беради.

Е.О.Винниченконинг профилактикага маъмурий-ҳуқуқий ёндашуви шундан иборатки, у вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини, аввало, *давлат бошқаруви соҳаси* сифатида кўради³¹. Муаллиф Россия Федерациясида амал қилаётган норматив-ҳуқуқий базани, жумладан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини профилактика қилишга оид федерал қонунлар, ҳукумат қарорлари ва ҳудудий дастурларни таҳлил қилади. Унинг фикрича, қонунчиликда профилактика турлари – *умумий, махсус* ва якка профилактика шартли равишда ажратилган бўлса-да, амалиётда чора-тадбирларнинг катта қисми ҳанузча оқибатларга эмас, балки алоҳида ҳолатларни “юпитиш”га қаратилган. Шу боис у сабаб ва шароитларни бартараф этишга йўналтирилган комплекс дастурларни кучайтириш, субъектлар ўртасидаги ахборот алмашинувини ҳуқуқий тарзда регламентлаш лозимлигини илгарир сурган.

Беларусь тадқиқотчилари В.В.Мартынова, Е.К.Погодина ва Д.О.Донченко мактаб муҳитидаги профилактика масаласини ўрганар экан, умумий профилактикани ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, ижтимоий фаолликни кучайтириш, спорт-маданий тадбирлар, клублар ва тўғараклар фаолияти орқали амалга ошириладиган “*оммавий педагогик таъсир*” деб баҳолайдилар. Якка профилактика эса синф раҳбари, ижтимоий педагог, мактаб психологи, ички ишлар органлари инспектори ва оила иштирокида муайян ўқувчи билан индивидуал ишлаш режалари, шахсий профилактика карталари, психокоррекцион суҳбатлар орқали намоён бўлади. Бунда мактаб профилактика тизимининг “*ядро субъекти*” сифатида кўрилади, қолган идора ва ташкилотлар унинг атрофидаги ҳамкорлар сифатида талқин этилади.

Англо-америка ва Европа криминологиясида умумий ва якка профилактикага мос тушунчалар кўпроқ “*primary / secondary / tertiary prevention*” модели орқали ифодаланади. Бу ерда *primary prevention* барча болалар ва ёшлар учун соғлом ижтимоий муҳит яратиш, таълим сифатини ошириш, камбағаллик, ижтимоий тенгсизлик, дискриминация каби омилларни камайитиришга қаратилган умумий чораларни англатади. Унинг моҳияти бўйича умумий профилактика тушунчасига яқин экани кўринади. *Secondary prevention* эса хавф гуруҳидаги болалар ва ўсмирлар билан манзилли ишлашни назарда тутди – бу якка профилактиканинг моҳиятига мос келади. *Tertiary prevention* жиноят содир этган вояга етмаганларни қайта ижтимоийлаштириш, такроран жиноят содир этиш хавфини камайитиришга қаратилган реабилитацион чоралар тизимини қамраб олади.

³⁰ Валуев Н.В. *Правовые проблемы предупреждения ювенальной преступности*: дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, г. 2003. – С. 67-модда

³¹ Винниченко Е.О. *Профилактика правонарушений несовершеннолетних в Российской Федерации: административно-правовой аспект*: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.14. – Тюмень: ТюмГУ, 2014. – 26 с.

Хукуқшунос олимлар мазкур модел орқали жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини босқичма-босқич қуриш, ресурсларни мақсадли тақсимлаш ва субъектлар ваколатини аниқлаш имкони яратилишини таъкидлайдилар³².

Хусусан, АҚШда ювенал адлия ва жиноятчилик профилактикаси соҳасидаги етакчи ҳукуқшунос-олимлар – Ф.Э. Зимринг, Б.К. Фелд, Д.М. Бишоп, К. Слобогин ва бошқалар асарларида жиноятчиликка қарши кўрашнинг *профилактика модели* криминал политика марказига кўтарилган. Улар АҚШнинг *Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention (OJJDP)* томонидан ишлаб чиқилган “*Comprehensive Strategy for Serious, Violent, and Chronic Juvenile Offenders*” концепциясига таяниб, ювенал адлия тизимини фақат жазо эмас, балки кенг қамровли профилактика моделига айлантириш зарурлигини илгари сурадилар³³.

Бу ёндашувда *умумий (general / primary) профилактика* – болалар ва ёшлар муҳитида ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни камайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларини кенгайтириш, маҳалла ва оила институтларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, дискриминация ва сегрегацияни камайтириш каби чора-тадбирлар мажмуи сифатида қаралади. Бу ерда профилактика жиноят содир этган шахсга эмас, балки *келажакда жиноятчилик хавфини камайтирувчи макродаражадаги ижтимоий сиёсатга* боғланади³⁴.

Б.Фелд ва Ф.Зимринг томонидан ювенал суд тизимининг интеллектуал тарихи ва ислохот йўналишлари таҳлилида, априори жазо тамойилига асосланган “*криминализацияланган ювенал адлия*”дан воз кечиб, вояга етмаганларнинг ривожланиш хусусиятлари, психологияси ва қайта ижтимоийлашув имкониятларини эътиборга олган *ривожланишга йўналтирилган профилактик модели*ни шакллантириш кераклиги илмий асосланади. Улар фикрича, АҚШда кейинги ўнйилликларда қабул қилинган қатор қонунлар (*ювеналларни катталар судига ўтказиш, қатъий жазо сиёсатини кучайтириш*) криминологик нуқтаи назардан *янада юқори рецидивга* олиб келган, шу боис умумий ва яқка профилактика чоралари устувор усул сифатида қайта тикланиши лозим³⁵ дейди.

Шунингдек, К. Слобогин ва бошқа америкалик ҳуқуқшунослар ювенал адлияни “профилактика модели”га ўтказиш ғоясини ривожлантириб, жамоат хавфсизлигини таъминлашда *эрта аралашув (early intervention)*, *хавфни баҳолаш (risk assessment)*, *индивидуал реабилитацион дастурлар*, *дифференциялаган пробация ва диверсия* механизмларини асосий яқка профилактика воситалари сифатида кўришади.

³² Fortea F.J.J. *La delincuencia juvenil: causas, prevención y medios de intervención* // UNODC. *Prevención de la delincuencia y la violencia juvenil: guía de políticas públicas*. – Viena–Ciudad de México, 2015 // EUCPN. *Prevention of juvenile delinquency and providing specific services to minor offenders who are not criminally responsible*. – Brussels, 2015.

³³ Youth Violence: A Report of the Surgeon General // Office of Justice Programs+3NCBI+3Office of Justice Programs+3

³⁴ *Ўша манбаа*: NCBI+1

³⁵ Barry C. Feld “Juvenile Justice” // Centennial Professor of Law Emeritus, University of Minnesota Law School. A version of this chapter will be published as Competence and Culpability: Delinquents in Juvenile Court, Youth in Criminal Court, 102 Minn. L. Rev. (forthcoming 2017). P. 329.

Бунда жиноят содир этган ўсмирни жазолашдан кўра, унинг шахсий хусусиятлари ва муҳитини ўзгартиришга қаратилган психосоциал дастурлар марказий ўринга чиқади³⁶.

Шунингдек, Канада ва АҚШдаги жиноятчилик профилактикаси бўйича олимлар, жумладан Оттава университети профессори *И. Waller* ҳамда америкалик жамоат саломатлиги мутахассислари *М. Rosenberg, J. Mercy* ва бошқалар томонидан илгари сурилган “*public health model*” (жамоат саломатлиги модели) жиноятчиликка қарши курашни тиббий-ижтимоий аналогия асосида уч даражали профилактика тизимига ажратиб таҳлил қилади. Бу тизимда *бирламчи* (умумий) профилактика кенг аҳоли қатламига йўналтирилган универсал чора-тадбирлар мажмуи сифатида, *иккиламчи* (якка) профилактика жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган алоҳида шахслар ва “*хавф гуруҳлари*” билан индивидуал иш олиб бориш шаклида, *учламчи* (реабилитацион) профилактика эса жиноят содир этган шахсларнинг реабилитацияси ва ресоциализацияси орқали уларнинг такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар сифатида изоҳланади³⁷. Мазкур жамоат саломатлиги модели доирасида жиноий ҳуқ-атвор фақат ҳуқуқий “*айб*” ёки индивидуал ирода намоёни сифатида эмас, балки биологик, психологик ва ижтимоий омиллар ўзаро таъсири натижасида шаклланадиган, шу боис давлат, жамият ва оиланинг узлуксиз ва комплекс профилактик сиёсатини талаб этувчи ижтимоий-биопсихологик феномен сифатида талқин этилади³⁸.

Юқорида кўриб чиқилган ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси билан боғлиқ масалалар ҳам миллий, ҳам хорижий ҳуқуқий доктринада жамиятнинг турли соҳалари ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи интеграл, мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида талқин этилмоқда. Жумладан, *Б.А. Умирзақов, Н.Т. Исмоилов, С.Б. Хўжақуловлар* жиноий ҳуқ-атвор детерминациясига таянган ҳолда умумий, махсус, якка ҳамда виктимологик профилактикани ўзаро боғлиқ, кўп даражали “*ягона тизим*” сифатида асослаб берадилар. Жиноят-ижроия босқичидаги тарбиявий-реабилитацион механизмларни *А.А. Сайдуллоев* ва *С.С. Култураева* тадқиқ этиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини вояга етмаганлар учун иккиламчи профилактиканинг институционал ҳалқаси сифатида ёритадилар. Виктимология ва жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида *Ф.М. Мухитдинов* ҳамда *И.Ф. Зоирова* жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми, виктим ҳуқ-атвор ва стигматизация муаммоларини таҳлил этар экан, умумий ва якка профилактиканинг гуманистик, *child-friendly* йўналишини очиб берадилар. Бола ҳуқуқлари ва ювенал адлияга оид *З.Н. Эсанова, Ф. Мирўктамова* ҳамда *А.Х. Саидов* таҳриридаги ишлар бола манфаатлари устуворлиги, одил судлов ва миллий мониторинг тизими орқали манзилли профилактикани кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

³⁶ A Prevention Model of Juvenile Justice: The Promise of Kansas v. *Hendricks for Children* // Christopher Slobogin “Vanderbilt University Law School”.

³⁷ Waller, I.; Sansfaçon, D. *Investing Wisely in Crime Prevention: International Experiences*. — Washington, DC: U.S. Department of Justice, Bureau of Justice Assistance, 2000 // Waller, I. *Less Law, More Order: The Truth about Reducing Crime*. — Westport: Praeger, 2006 // Krug, E. G.; Dahlberg, L. L.; Mercy, J. A.; Zwi, A. B.; Lozano, R. *World Report on Violence and Health*. — Geneva: World Health Organization, 2002.

³⁸ Rosenberg, M. L.; Mercy, J. A. Assaultive Violence // Rosenberg, M. L.; Fenley, M. A. (eds.). *Violence in America: A Public Health Approach*. — New York: Oxford University Press, 1991 // <https://archive.org/details/violenceinameric0000unse>

Шу билан бирга, А.А. Бакаев ва бошқа рус-евроосиёлик муаллифлар профилактикани макро, мезо ва микро даражаларни қамраб олган кўп субъектли тизим сифатида моделлаштиради, F.E. Zimring, B.C. Feld, I. Waller, M. Rosenberg, J. Mercy каби англо-америка олимлари *“primary / secondary / tertiary prevention”* ва *“public health model”* орқали вояга етмаганлар профилактикасини жамият ривожланиши ва жамоат саломатлиги сиёсати билан интеграция қилади.

Юқорида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикасига оид тушунча, шакллари ҳамда субъектлар тизими масалалари маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари асосида таҳлил этилди ва уларнинг методологик аҳамияти очиқ берилди. Энди эса мазкур масала доирасида ривожланган давлатлар қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ижобий тажрибаларни қиёсий-ҳуқуқий тарзда ўрганиш ушбу параграфнинг илмий-назарий салоҳиятини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, мантиқий давом сифатида миллий қонунчиликда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикасига оид нормалар мазмунини таҳлил қилиш орқали амалда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар ва ноҳўя коллизияларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имкони яратилади.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар қонунчилигида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси алоҳида *“ёшлар адлияси”* ва *“болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш”* тизимлари орқали комплекс тарзда тартибга солинади. Бу тизимларда профилактика фақат жиноят содир этилганидан кейинги репрессив таъсир сифатида эмас, балки жамият ривожланишининг узвий қисми, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган узлуксиз ижтимоий-ҳуқуқий сиёсат сифатида талқин этилади.

Аввало, *Россия Федерацияси* қонунчилигида 24.06.1999 йилда қабул қилинган 120-ФЗ сонли *“Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних”* Федерал қонуни ўсмирлар билан боғлиқ профилактика фаолиятини яхлит ҳуқуқий институт сифатида шакллантиргани қайд этилади³⁹. Қонуннинг 2-моддасида профилактика фаолиятининг асосий вазифалари ва принциплари, 4-моддасида эса профилактика тизимига кирувчи орган ва муассасалар (*вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат, ички ишлар органлари, жазони ижро этиш муассасалари ва ҳ.к.*) аниқ кўрсатилган. Шу билан бирга, 5–8-моддаларда индивидуал профилактик иш олиб бориладиган шахслар категориялари, уларга нисбатан иш бошлаш асослари, муддатлари ва ушбу шахсларнинг ҳуқуқлари белгиланиб, *“индивидуал профилактика иши”* тушунчаси қонун даражасига кўтарилган. Бу ҳолат Россия қонунчилигида умумий (макроижтимоий) ва якка (индивидуал) профилактика ўртасидаги функционал фарқни аниқ белгилашга хизмат қилади.

Германияда ўсмирлар жиноятчилигининг умумий ва якка профилактикаси, аввало, Ижтимоий кодекснинг VIII китоби – Sozialgesetzbuch VIII *“Kinder- und Jugendhilfe”* (СГБ

³⁹ Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних : Федеральный закон Российской Федерации от 24 июня 1999 г. № 120-ФЗ // Собрание законодательства РФ. – 1999. – № 26. – Ст. 3177 // <https://normativ.kontur.ru/>

VIII – “Болалар ва ёшлар ёрдами тўғрисида”) доирасида ҳуқуқий тартибга солинади⁴⁰. Мазкур қонуннинг 1-параграфида ҳар бир ёш шахснинг ривожланиш ва тарбия олиш ҳуқуқи ҳамда давлатнинг ушбу ҳуқуқни таъминлаш бўйича мажбурияти белгилаб қўйилган, 2–3-параграфларида эса ёшлар ёрдамнинг асосий вазифалари, эркин ва давлат ёшлар хизмати субъектлари тизими мустаҳкамланган. Шунингдек, *умумий профилактика* мактабдан ташқари таълим, маданий-спорт тўғараклари, ёшлар марказлари, ота-оналар учун маслаҳат хизматлари ва кенг қамровли ижтимоий дастурлар орқали амалга оширилса, *якка профилактика* “Hilfen zur Erziehung” (тарбияга ёрдам) институти орқали – аниқ бола ва оила билан психо-социал иш, патронаж, вақтинча жойлаштириш, реабилитация дастурлари кўринишида амалга оширилади.

Асосий субъект – ёшлар хизмати идораси (Jugendamt) бўлиб, у мактаблар, полиция, судлар ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан мажбурий идоралараро ҳамкорликка жалб этилган.

Англия ва Уэльс ҳуқуқ тизимида 1998 йилги *Crime and Disorder Act* (Жиноят ва тартиббузарлик тўғрисидаги қонун) ёшлар адлияси тизимида принципиал янги мақсадни белгилади: 37-бўлимга кўра, “*ёшлар адлияси тизимининг асосий мақсади болалар ва ўсмирлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат*” деб қонуний тарзда мустаҳкамланган⁴¹. Мазкур қонун маҳаллий ҳокимиятлар ва полицияга жиноятчилик, жумладан, ўсмирлар жиноятчилигининг умумий профилактикаси бўйича кўшма стратегиялар ишлаб чиқиш мажбуриятини юклайди. Қонун асосида Ёшлар адлияси кенгаши (Youth Justice Board) ва маҳаллий “Youth Offending Team” (YOT)лар ташкил этилиб, улар таркибига полиция, пробация, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат органлари вакиллари киритилади. YOTлар аниқ вояга етмаганга нисбатан якка профилактик чоралар – ресторатив адлия жараёнлари, пробация, индивидуал қайта тарбия дастурлари, руҳий саломатлик хизматида йўналтириш ва оила билан комплекс иш олиб бориш каби механизмларни амалга оширади.

АҚШ қонунчилигида вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикаси федерал даражада 1974 йилда қабул қилинган ва 2018 йилда тубдан янгиланган “*Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act*” (JJDPА) орқали тартибга солинади⁴². Мазкур қонуннинг мақсади – ўсмирлар жиноятчилиги муаммосини комплекс ва мувофиқлаштирилган ёндашув асосида ҳал этиш, штатларга федерал маблағ ажратар экан, ўз навбатида улардан жиноят адлияси тизимидаги вояга етмаганлар учун қатор “*ядро қафолатлари*”ни (*deinstitutionalization of status offenders, камталардан ажратиб сақлаш, камталар билан алоқани чеклаш ва ирқий тенгсизликни камайтириш*) таъминлашни талаб қилади. JJDPА доирасида умумий профилактика федерал грантлар орқали жамоат даражасидаги дастурлар (*мактабдан чекиниш, оилавий зўравонлик, наркомания, меҳнат бозорига киришдаги*

⁴⁰ Sozialgesetzbuch (SGB). Aches Buch : Kinder- und Jugendhilfe : Gesetz vom 26. Juni 1990 (BGBl. I S. 1163) : in der jeweils geltenden Fassung. – Berlin : Bundesministerium für Familie, Senioren, Frauen und Jugend, aktueller Stand // <https://www.gesetze-im-internet.de/>

⁴¹ Crime and Disorder Act 1998. Part III : Youth Justice. – 1998. – 37 s. (Principal aim of the youth justice system – s. 37). – Official text available on the UK legislation portal // <https://www.legislation.gov.uk/>

⁴² Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act of 1974 : as amended by Juvenile Justice Reform Act of 2018 (Public Law 115-385). – Washington, DC : U.S. Congress, 2018. – 1 т.

тўсиқлар каби хавф омилларини камайтириши)ни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, якка профилактика штат қонунчилиги асосида *diversion* дастурлари, пробацция, реабилитация ва оила билан индивидуал иш шаклларида амалга оширилади. Қонунда профилактика дастурларининг “исботланган самарадорликка эга (*evidence-based*)” бўлиши алоҳида шарт сифатида кўрсатилгани унинг илмий-эмпирик асосга таянадиганидан далолат беради.

Францияда узоқ йиллар амал қилган 1945 йилги “*вояга етмаганлар жиноятчилиги тўғрисида*”ги ордонанс ўрнига 2019 йил 11 сентябрдаги 2019-950-сон Ординанс ва 2021 йил 26 февралдаги 2021-218-сон Қонун билан “*Code de la justice pénale des mineurs*” (CJPM – *Вояга етмаганлар жиноят одил судлови кодекси*) қабул қилинди⁴³. Янги кодекс умумий принцип сифатида “тарбиявий таъсирни репрессив таъсирдан устувор қўйиш”, ёшга қараб жавобгарликнинг юмшатилиши, ихтисослашган суд органлари ва 13 ёшгача бўлган болалар учун жиноий оқибатларни чеклаш тамойилларини мустаҳкамлайди. Кодексда жиноят ишларини кўришнинг соддалаштирилган ва тезлаштирилган тартиби, бироқ шу билан бирга судья, адвокат ва тарбиячи иштирокидаги узлуксиз тарбиявий назорат (*принцип “bir voyaga етмаган – bir судья – bir тарбиячи”*) талаб этилади. Индивидуал профилактика CJPMда таълимий чоралар (*mesures éducatives*), пробацция, жамоат ишлари, реабилитация марказларига жойлаштириш каби воситалар билан ишончли ҳуқуқий асосга эга.

Испанияда вояга етмаганлар адлияси соҳасидаги асосий меъёрий ҳужжат – 2000 йил 12 январдаги 5/2000-сон “*Ley Orgánica reguladora de la responsabilidad penal del menor*” тўғрисидаги қонун ҳисобланади⁴⁴. Қонуннинг 1-моддасига кўра, у 14–18 ёшдаги шахсларнинг жиноий жавобгарлигини тартибга солади, зарур ҳолларда 18–21 ёшдаги ёшлар учун ҳам қўлланилиши мумкин. Мазкур органик қонун формал жиҳатдан санкцияловчи меъёрий ҳужжат бўлса-да, унинг мазмуни таълимий ва тарбиявий характердаги чораларни устувор қилади: *жамоат ишлари, таълим ва касб-ҳунар дастурларига мажбурий жалб этиш, оила билан терапевтик иш, реабилитация марказларига жойлаштириш ва х.к.* Шундай қилиб, Испания моделида ҳам якка профилактика жиноят одил судлови доирасида болани жамиятга қайта интеграция қилишга қаратилган таълимий дастурлар орқали амалга оширилади, умумий профилактика эса болаларни ҳимоя қилиш, таълим ва зўравонликка қарши комплекс қонунлар тизими билан таъминланади.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, ривожланган давлатлар қонунчилигида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси ўзаро боғлиқ икки даражада – ижтимоий сиёсат ва жамоат хавфсизлиги даражасидаги макро чоралар (умумий профилактика) ва аниқ ўсмир билан индивидуал кейс-менежмент асосида ишлаш (якка профилактика) сифатида ҳуқуқий жиҳатдан институционаллашган. Россия 120-ФЗ қонуни профилактика субъектлари ва индивидуал ишлар тартибини алоҳида белгиласа, Германия СГБ VIII ижтимоий ёрдам ва тарбия ёрдами институтини марказий ўринга қўяди, Англия–

⁴³ Ordonnance n° 2019-950 du 11 septembre 2019 portant partie législative du Code de la justice pénale des mineurs ; Loi n° 2021-218 du 26 février 2021 ratifiant l’ordonnance // Journal Officiel de la République Française. – 2019–2021. – Texte consolidé du Code de la justice pénale des mineurs.

⁴⁴ Ley Orgánica 5/2000, de 12 de enero, reguladora de la responsabilidad penal de los menores: texto consolidado. – Madrid: Boletín Oficial del Estado, 2000 (*con últimas modificaciones*).

Уэльсда Crime and Disorder Act 1998 ёшлар адлияси тизими мақсадини тўғридан-тўғри “профилактика” билан боғлайди, АҚШда JJCPA федерал даражада илмий асосланган профилактика дастурларини молиявий жиҳатдан рағбатлантиради, Франция CJPM эса “тарбиявий устуворлик” тамойилини кодекс даражасида мустаҳкамлайди, Испания 5/2000-сон Органик қонунида таълимий чораларни жавобгарликнинг асосий шакли сифатида белгилайди. Ушбу ҳуқуқий моделлар миллий қонунчиликда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси тушунчаси, шакллари ва субъектлар тизимини такомиллаштириш учун муҳим қиёсий-ҳуқуқий мезон вазифасини бажаради.

Юқоридаги ҳорижий давлатларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги Қонуни⁴⁵ мустақилликнинг дастлабки босқичида вояга етмаганлар билан ишлаш соҳасидаги махсус комплекс қонун сифатида катта амалий аҳамият касб этди. Унда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизими, якка тартибдаги профилактика ишлари, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва ихтисослаштирилган таълим-тарбия муассасаларига жойлаштириш тартиби ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Бироқ янги Ўзбекистон шароитида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, жумладан, 2014 йил 14 майда қабул қилинган “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”⁴⁶ги Қонунда профилактиканинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик турлари ягона тизим сифатида қайта ифодаланди. Шу билан бирга, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар – Болалар омбудсмани, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, ҳудудий комиссиялар ва бошқа тузилмалар ташкил этилди. Давр ва макон ўзгариши, рақамли муҳитнинг болалар ҳаётига чуқур кириб келиши мазкур соҳадаги меъёрий базани замонавий халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришни талаб этмоқда. Қуйида биз “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги ЎРҚ-263-сон Қонунида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси тушунчаси, шакллари ва субъектлар тизими билан боғлиқ асосий ҳуқуқий бўшлиқлар муаммо сифатида бирин-кетин таҳлил этилади ва уларни бартараф этиш юзасидан моддалар бўйича илмий асосланган таклифлар келтирилади:

биринчидан, умумий ва якка профилактика шаклларининг тизимлаштирилмаганлиги. Бунда “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги ЎРҚ-263-сон Қонунда профилактиканинг мақсад ва вазифалари 4-моддада умумий тарзда баён этилган бўлса-да, умумий ва якка профилактика шакллари алоҳида моддаларда тизимлаштирилмаган. Амалиётда ҳуқуқий тарғибот, педагогик профилактика, тиббий-психологик ёрдам,

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/1685726>

⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/2387357>

ижтимоий қўллаб-қувватлаш, рақамли хавфсизлик бўйича иш ва бошқа йўналишлар турли органлар фаолиятига “сингиб кетган”, лекин қонун даражасида бир тизим сифатида белгиланмаган.

Ривожланган давлатлар тажрибасида эса профилактика шакллари алоҳида боб ёки моддаларда тоифаларга ажратилади. Жумладан, Россиянинг 120-ФЗ қонунида **умумий профилактика доирасида ижтимоий-иқтисодий, педагогик, ҳуқуқий, тиббий тадбирлар, яқки профилактика доирасида эса яқка режалар, патронаж, назорат ва реабилитация шакллари** кўрсатилган. БМТнинг Эр-Рияд йўриқномаларида ҳам оила, мактаб, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва интернет муҳитида амалга ошириладиган профилактик иш йўналишлари алоҳида блоклар бўйича таснифланади.

Замонавий шароитда энг муҳим йўналишлардан бири – **рақамли муҳитдаги профилактика шакллари**дир. БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 25-сонли умумий шарҳида давлатлар болаларнинг рақамли муҳитдаги ҳуқуқларини қонун даражасида таъминлаш, интернетдаги хавфлардан ҳимоя қилиш ва бир вақтнинг ўзида рақамли имкониятлардан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича махсус чора-тадбирлар кўриши зарурлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни қабул қилинган пайтда бу муаммолар деярли мавжуд бўлмаган, шу сабабли қонун матнида рақамли хавфсизлик йўналиши акс этмаган.

Юқоридаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси шакллари” деб номланган янги 4¹-моддани киритиш таклиф этилади. Бунда:

“4¹-модда. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси шакллари

1. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси (кейинги ўринларда – умумий профилактика) деб шахсга боғланмаган ҳолда муайян ҳудуд, таълим муассасаси, маҳалла ёки аҳолининг айрим гуруҳлари даражасида амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, тарбиявий, маданий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуига айтилади.

2. Умумий профилактика жамиятда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий фаолликни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

3. Умумий профилактика қуйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

ҳуқуқий тарғибот ва маърифат – таълим муассасалари ўқув дастурларига ҳуқуқий билимларни сингдириш, вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўртасида оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи, маданий-маърифий тадбирлар орқали ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, болалар ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш;

ижтимоий-иқтисодий ва маданий чора-тадбирлар – вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли таъкил этиш, уларни спорт-маданий ихтиёрий тўғараклар, ёшлар

марказлари, клублар ва бошқа тузилмалар фаолиятига кенг жалб этиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни меҳнат бозорига тайёрлаш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

тарбиявий-педагогик ва психологик профилактика – мактаб психологи, педагог-организатор, социолог, синф раҳбари, “ота-она мактаблари” ва бошқа тарбиявий тузилмалар фаолияти орқали вояга етмаганларнинг шахсий-руҳий ҳолатини ўрганиш, уларда ижобий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш, низоли вазиятларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш;

рақамли хавфсизлик профилактикаси – кибертаҳдидлар, интернет ва ижтимоий тармоқлардаги онлайн зўравонлик, буллинг, разил ва ёшига номуносиб контент таъсирини олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ахборот-тушунтириш ва таъкилий чоратадбирлар, шу жумладан вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида рақамли саводхонликни ошириш бўйича комплекс дастурларни амалга ошириш.

4. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган шакллар рўйхати тўлиқ бўлмаган (очиқ) ҳисобланади ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бошқа шакллардаги умумий профилактика тадбирлари ҳам амалга оширилиши мумкин”.

Шунингдек, “**Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг якка тартибдаги профилактикаси шакллари**” деб номланган янги 4²-моддани киритиш таклиф этилади. Бунда:

“4²-модда. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг якка тартибдаги профилактикаси шакллари

1. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг якка тартибдаги профилактикаси (кейинги ўринларда – якка профилактика) ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи остида бўлган аниқ вояга етмаган шахс ва унинг оиласи билан индивидуал тартибда амалга ошириладиган ижтимоий-ҳуқуқий, психо-педагогик, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

2. Якка профилактика вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек унинг ижтимоий реабилитацияси ва жамиятга қайта мослашувини (ресоциализациясини) таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

3. Якка профилактика қуйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

индивидуал профилактика режасини тузиш – вояга етмаган шахс тўғрисида тўпланган маълумотлар, унинг оилавий ва ижтимоий муҳити, психо-эмоционал ҳолати, таълим олиш ва меҳнат фаолияти имкониятлари таҳлили асосида идоралараро ҳамкорликда индивидуал профилактика режасини белгилаш ва амалга ошириш;

бола ва оила билан мунтазам психо-педагогик суҳбатлар – вояга етмаган шахснинг шахсий муаммолари, онг ва хулқ-атвор хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда психолог, педагог, инспектор ва бошқа мутахассислар иштирокида профилактик суҳбатлар олиб бориш, ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан тарбиявий маслаҳатлар ўтказиш;

ижтимоий хизматлар орқали реабилитация ва ресоциализация – вояга етмаган шахсни таълим тизимига қайтариш, касб-ҳунарга ўқитиш, меҳнатга жойлаштириш, тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш, ижтимоий адаптация қилишга қаратилган давлат ва нодавлат ижтимоий хизматлар комплексини амалга ошириш;

суд-ҳуқуқий чоралар билан уйғунлашган тартибда пробация ва патронаж ишлари – суд томонидан қўлланилган тарбиявий таъсир чоралари, жазо чоралари ёки бошқа ҳуқуқий чора-тадбирларни ижро этиш жараёнида вояга етмаган шахсни кузатиш, унга ҳуқуқий, психо-педагогик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, пробация органлари, ички ишлар органлари, таълим ва ижтимоий хизматлар ҳамкорлигини таъминлаш;

ёшлар ва болаларга йўналтирилган рақамли саводхонлик курслари ҳамда онлайн консултациялар – вояга етмаган шахс ва унинг оиласи учун рақамли хавфсизлик, интернетдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, онлайн зўравонлик ва буллингнинг олдини олиш масалалари бўйича индивидуал ва гуруҳий ўқув курслари, масофавий психо-педагогик ва ҳуқуқий маслаҳат хизматларини ташкил этиш.

4. Якка профилактика тадбирлари вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилган ҳолда, унинг ёши, руҳий-жаисмоний ҳолати ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган тарзда амалга оширилади, бунда боланинг фикрини эшитиш ва уни қарор қабул қилишда инобатга олиш таъминланади.

5. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган шакллар рўйхати тўлиқ бўлмаган (очиқ) ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шакллардаги якка профилактика тадбирлари ҳам қўлланилиши мумкин”.

иккинчидан, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг мазмунида профилактика субъектлари тизимидаги парчаланиш ва янги институтларнинг тўлиқ интеграцияланмаганлиги. Хусусан, Қонуннинг II боби профилактика субъектлари тизимини белгилаб, **Болалар масалалари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълим муассасалари, маҳалла органлари, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқаларнинг** ваколатларини санаб ўтади. Кейинги йилларда мазкур бобга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, жумладан, **Ёшлар ишлари агентлиги, болаларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари** фаолияти мустаҳкамланди. Шу билан бирга, янги институтлар – **Болалар омбудсмани, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва ҳудудий комиссиялар, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган органлар** ҳам бугунги кунда болалар билан ишлаш тизимининг марказий бўғинига айланди.

Аммо субъектлар тизимини белгиловчи моддаларда (масалан, **Болалар масалалари бўйича комиссиялар ҳақидаги нормаларда**) айрим ваколатлар такрорланиб, масъулиятнинг аниқ тақсимланмагани, “беш-олти орган бир бола билан алоҳида-алоҳида ишлаётган” ҳолатларни келтириб чиқараётгани амалиётда кузатилади. Шу боис **индивидуал ҳолатлар билан ишлашда ягона координация маркази** ва **кейс-менежмент** модели етарлича ҳуқуқий асосга эга эмас.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида субъектлар тизими, одатда, икки даражада ташкил этилади: (а) умумий давлат сиёсатини белгилайдиган марказий орган; (б) маҳаллий мултидисциплинар гуруҳлар (ижтимоий хизматлар, полиция, мактаб, соғлиқни сақлаш, ННТ

ва бошқ. иштирокида). Россия 120-ФЗ қонунида профилактика субъектлари алоҳида моддаларда гуруҳ-гуруҳ қилиб, шу жумладан, идоралараро ҳамкорликнинг намунавий тартиблари билан бирга ифода этилган. Европа Кенгашининг жиноятчилик профилактикасига оид тавсиялари ҳам ўсмирлар билан ишлашда мултидисциплинар ёндашувни устувор деб билади.

Юқоридаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида **“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Хусусан:

а) “8¹-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси субъектларининг тоифалари

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси субъектлари (кейинги ўринларда – профилактика субъектлари) ушбу Қонунда назарда тутилган вазифалар ва ваколатларидан келиб чиқиб қуйидаги тоифаларга ажратилади:

давлат сиёсатини белгилайдиган марказий субъектлар – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ва қонунчиликда белгиланган бошқа марказий давлат органлари;

умумий профилактика субъектлари – таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат органлари, маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташиқлотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа тегишли давлат органлари ва ташиқлотлар;

махсус ва яқка профилактика субъектлари – ички ишлар органлари, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек психо-педагогик хизматларни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалар;

фуқаролик жамияти институтлари – нодавлат нотижорат ташиқлотлари, ёшлар ва болалар ташиқлотлари, волонтерлик тузилмалари ҳамда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига қўмаклашувчи бошқа жамоат бирлашмалари.

2. Ушбу Қонунда назарда тутилган профилактика субъектлари ўз ваколатларини ушбу Қонун, «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

3. Профилактика субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, маълумот алмашинуви, шунингдек вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини мувофиқлаштириш тартиби қонунчилик ҳужжатлари ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади”.

б) 9¹-модда. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва Бола ҳуқуқлари бўйича Вакил (Болалар омбудсмани)

1. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштирувчи коллегиал орган ҳисобланади.

2. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ўз ваколатлари доирасида: вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳолати, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилади, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилайди;

профилактика субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича идоралараро ҳамкорликни таъминлайди;

профилактика субъектлари ўртасида идоралараро ахборот алмашинувини ташиқил этади, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича ягона электрон маълумотлар базасини юритиш тартибини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан ишлаш юзасидан «ҳолат бўйича гуруҳлар» (кейс-менежмент) фаолиятини мувофиқлаштиради, бундай гуруҳлар ишини ташиқил этиш ва назорат қилиш механизмларини белгилайди;

ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан давлат органлари ва ташиқилотлардан зарур ахборотлар ҳамда маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш ва олиш ҳуқуқига эга;

болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси жараёнида ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги мустақил институт ҳисобланади.

4. Болалар омбудсмани ушбу Қонун доирасида:

вояга етмаганлар иштирокида амалга ошириладиган профилактика тадбирлари, яқка тартибдаги профилактика иши, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг фаолияти устидан мониторингни амалга оширади;

вояга етмаганлар, уларнинг ота-оналари (ота-она ўрнини босувчи шахслар), қонуний вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор шахслардан келиб тушадиган мурожаатларни кўриб чиқади, болалар ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда белгиланган тартибда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тақдимномалар киритади;

болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок

этади, зарур ҳолларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар орқали қонунчилик ташаббуси билан чиқиш тўғрисида таклифлар киритади;

боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида, вояга етмаганлар билан боғлиқ «кейс-конференция»лар, идоралараро йиғилишлар, профилактик тадбирлар ўтказилаётганида уларда иштирок этиш, тегишли ҳужжатлар билан танишиш ва хулосалар киритиш ҳуқуқига эга бўлади;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

5. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва Болалар омбудсманининг таъкил этилиши, таркиби ва фаолияти тартиби алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

в) “23¹-модда. Якка тартибдаги профилактика ишини амалга оширишда идоралараро “кейс-конференция”лар

1. Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган ҳар бир вояга етмаган шахс бўйича болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияси раҳбарлигида идоралараро “кейс-конференция” ўтказилади.

2. “Кейс-конференция”да қўйидаги профилактика субъектлари ва мутахассислар (зарур ҳолларда) иштирок этадилар:

ички ишлар органларининг профилактика бўлинмалари ва (ёки) вояга етмаганлар бўйича инспектор;

таълим муассасаси маъмурияти ва синф раҳбари ёки куратора;

мактаб ёки ҳудудий психолог, зарур ҳолларда – шифокор (психиатр, нарколог ва бошқалар);

васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари;

Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлинмаси вакиллари;

ижтимоий хизмат кўрсатувчи ташиқлотлар, нодавлат нотижорат ташиқлотлари ҳамда зарур ҳолларда бошқа манфаатдор ташиқлотлар ва мутахассислар.

3. “Кейс-конференция”да:

20-моддада назарда тутилган тоифаларга мансуб вояга етмаган шахснинг ижтимоий, психо-эмоционал ва ҳуқуқий ҳолати всаттурича комплекс ўрганилади;

вояга етмаган шахсга нисбатан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш мақсадлари, вазифалари ва тамойиллари 21-модда талабларидан келиб чиқиб аниқ белгилаб олинади;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш муддатлари 22-модда талабларига мувофиқ белгилаб берилади;

вояга етмаган шахс ва унинг оиласи билан ишлаш бўйича индивидуал профилактика режаси ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, унда амалга ошириладиган тадбирлар, масъул субъектлар, муддатлар ва кутилган натижалар кўрсатилади.

4. Индивидуал профилактика режаси боланинг ёши, руҳий ва жисмоний ҳолати, таълим олиш ва меҳнат фаолияти, оилавий ва ижтимоий муҳити, шунингдек боланинг фикри ва манфаатларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

5. “Кейс-конференция” якунлари бўйича йиғилиш баёни тузилади, унда:

вояга етмаган шахснинг ҳолати тўғрисидаги қисқача хулоса;

*қабул қилинган индивидуал профилактика режаси;
масъул профилактика субъектлари рўйхати ва уларнинг вазифалари;
назорат ва қайта кўриб чиқиш муддатлари кўрсатилади.*

6. *Якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган шахс бўйича «кейс-конференция» камида ярим йилда бир марта, зарур ҳолларда эса кўпроқ даражада ўтказилиши мумкин.*

7. *“Кейс-конференция”да боланинг иштирок этиши унинг ёши, руҳий-эмоционал ҳолати ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, бола учун зарар етказмаслик таъминидан келиб чиқиб таъминланади. Боланинг фикри эшитилади ва индивидуал профилактика режасини шакллантиришда инобатга олинади.*

8. *Якка тартибдаги профилактика иши юзасидан “кейс-конференция” ўтказиш тартиби, унинг ташкилий шакллари ва ҳужжатлаштириш талаблари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.*

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги субъектлар тизимини замонавий талаблар асосида қайта тузишга, уларнинг вазифа ва ваколатларини аниқ чегаралашга хизмат қилади.

Профилактика субъектларини марказий давлат органлари, умумий профилактика иштирокчилари, махсус ва якка профилактика субъектлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари тоифаларига ажратиш идоралараро парчаланишни камайтиради, масъулиятни аниқлаштиради. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва Болалар омбудсманининг ҳуқуқий мақомини алоҳида модда орқали мустаҳкамлаш эса бола манфаатларини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини стратегик даражада мувофиқлаштириш, назорат ва жамоатчилик ҳисобдорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Якка профилактика ишларида “кейс-конференция” механизмининг қонун даражасида жорий этиш эса ҳар бир вояга етмаган шахс билан ишлашни индивидуал режалаштириш, идоралараро ҳамкорликни функционал асосда таъминлаш ва бола ҳуқуқларини “дўстона адолат” стандарти асосида кафолатлаш имконини яратади.